

шт18  
б. Нар

**40923176-СОН**  
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА**  
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**  
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкылоптлари) учун*

**Самарқанд ш.**

**2022\_йил “05” январ**

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “18“ октябрдаги 27-01-14/5073-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали директори Эшназаров Нодирбек Тиркашевич (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан номидан Устав (Низом, рүйхатта олинганилек түгрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Нарпай туман “мактабгача таълим булими”

” (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари күрсатилиши бўйича кўйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

**1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:**

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ)расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи булган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тулов фактини тасдиқлочи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжуудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алокা хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириши (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнйда Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фонз миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкылоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) **4950000** ( ) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма **4950000** ( ) сўм миқдоридаги Абонент тўловини хамда ( ) миқдоридаги бир марталик тўловини ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишиш/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичидан ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблагларини ўтказиц ўюли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширилсигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланиши вақтичча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишина истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равища блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун туланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарilmайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдор кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (чи) кунни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура кабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кічик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамининг баланси салбий булганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентта хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганилиги ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонлар нисбатан жавобгарликнинг чекланиши ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар буйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар уртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ иктисодий судида кўриб чикилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишини тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиг бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonoma/шикоят/таклиф куринишидаги мурожаати кўпин билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиши учун 15 (ун беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор килинади.

#### 7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар уртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 йил 31 декабрга кадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиши муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажарнишини давом эттираса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилишишини ўзлон килемаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 йил 31 декабрга кадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул килганилиги ҳакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида ўзлон килинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент уртасида тулиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳукукий шаклиниң ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичада бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгариришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолangan хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<b>ОПЕРАТОР:</b> “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали Манзил: 140103, г.Самарқанд,ул.М.Улугбека,92 Банк маълумотлари: х/р: 20210000804074838397; СТИР:203366731; МФО:00401; АТБ “Алокабанк” Тел: (66) 240-0011, (66) 234-7574,(66) 234-7553; E-mail: samtel@uztelecom.uz;	<b>АБОНЕНТ:</b> <i>Жарнай ғуломе М/Т5</i> Манзил: Банк маълумотлари: х/р: <i>10002286018218 50 910025 10 37</i> СТИР: <i>20 3268 084</i> ; МФО: <i>000 14</i> ; Банк номи: _____; Тел: <i>439-42-19</i> E-mail: _____;
<b>Оператор номидан:</b> <i>Эшназаров Н.Т.(Ф.И.Ш)</i> /имзо/ М.ў.	<b>Абонент номидан:</b> <i>Н.Т. Эшназаров Ф.И.Ш.</i> /имзо/ М.п.

2022 йил “05” январ 40928393- сонли  
абонент шартномасига илова

**Кўрсатиладиган хизматлар**

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

**Ўлчов бирлиги -Миллий валюта(сўм)**

t/p	Хизматларноми	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Микдори	Ой (сони)	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5		6
<b>I. Бирмарталик тўловлар</b>						
1.1	Битта (шахар, туман) ракамидан фойдаланиш хукукини тақдим этиш (бир марта тўланадиган тўлов) (смена владельца)	1	125-1/7-сонли нархномага мувофиқ амалга оширилади			
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>						
2.1	Бир ойлик абонент тўлови “Оддий” тариф режаси (180 минут, лимитдан ортиқ сўзлашув 12 сўмдан)	1680000	125-1/7-сонли нархномага мувофиқ амалга оширилади	3	3	4950000
2.2	Кушимча хизмат турлари (телеграф, факс, АОН, параллель, прямой провод, пароль, соед. линия, переадр., охран. сигн. ва х.к.)		125-1/7-сонли нархномага мувофиқ амалга оширилади			
2.3	Лимитдан ортиқ сўзлашув (уртacha)		125-1/7-сонли нархномага мувофиқ амалга оширилади			
Жами (олдиндан тўлов)						

Жами олдиндан тўлов миқдори \_\_\_\_\_ ( ) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 4.950.000 ( ) сўмни ташкил этади. Ундан \_\_\_\_\_ ( ) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда \_\_\_\_\_ ( ) сўм бир маротабалик уланиш учун рўйхатга олиш тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

**ОПЕРАТОР:**  
“Ўзбектелеком” АҚ  
Самарқанд филиали

**АБОНЕНТ:**

Оператор номидан:

Директор З.И.Эшиазаров /Эшиазаров Н.Т./  
/имзо/  
м.ў.

Абонент номидан:

/имзо/  
м.ў.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI  
NARPAY TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH  
MARKAZI

141200. Narpay tumani, Nog'oraxona mahallasi kamalak ko'chasi  
el.pochta: narpayyurmarkaz@adliya.uz

15.01.2022 йил

Оқтош шахри

Нарпай туман Мактабгача таълим бўлими ва “Ўзбектелеком” АК билан  
15.01.2022 йилда тузилган Телекоммуникация хизматлари кўрсатиш  
шартномаси лойиҳаси юзасидан

**ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА:**

Мазкур шартнома лойиҳасини Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Конуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида хукукий экспертизадан ўтказиб:

- Шартнома лойиҳасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беришини ва қонунга мос ҳолда тузилганлигини;
- Томонларнинг шартномада кўрсатилган мулкий жавобгарликлари ва ўзаро низоларни ҳал қилиш йўуллари Узбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси хамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги конуни асосида белгиланганлигини аникладим.

Юкоридагиларга асосланган ҳолда шартнома лойиҳасини конун ҳужжатлари асосида тузилган деб хисоблайман ва томонларга уни имзолашни тавсия этаман.

Маркази бошлиғи

Ф.И.Курбанов

